**ОҚСОҚОЛ ЮМУШИМИЗНИ ОЛДИ. ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ... ТАНЛОВЛАР БОШЛАНДИ.**

2002 йил 29 май
№21-22 (299-300).

Абдумалик КЎЧКИНОВ,
Ангор тумани ҳокими.

*Ҳокимият ва маҳалла*

# ОҚСОҚОЛ - РАҲБАР, МУРАББИЙ, ФИДОЙИ...

***Ангор тумани Сурхондарё вилоятидаги кўҳна ва йилдан йилга яшариб бораётган туманлардан бири. Аҳолиси юз минг киши атрофида. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юксак кўрсатгичлар қўлга киритиляпти. Юздан ортиқ савдо, саноат, қурилиш, транспорт ва бошқа корхоналар фаолияти ҳам диққатга сазовор. Ободончилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар самараси яққол кўзга ташланиб турибди. Буларда қишлоқ ва маҳалла оқсоқолларининг муносиб ўрни бор.***



**Туман Ҳокими Абдумалик Кўчкинов билан махсус мухбиримиз уюштирган суҳбатда ана шулар ҳақида батафсил сўз боради.**

- Аввало, - деди ҳоким, - »Mahalla» газетаси ҳақида икки оғиз сўз. Туманимизда «Mahalla»нинг ўз ўқувчилари бор. Биринчи ярим йилликда «Mahalla» газетаси ўқувчиларининг сони 90 кишини ташкил этган эди. Иккинчи ярим йилликда эса бу рақам юздан ошади. Зотан, «Mahalla» газетаси ҳар бир қишлоқ ва маҳалла йиғинларидан ташқари, хонадонларга ҳам кириб бормоқда.

Маълумки, инсон меҳнат билан, унинг самараси билан ҳаёт тарзини ташкил этади. Шу боисдан туманимизда бу борадаги ютуқларга бир эътибор қаратмоқчи эдим. Қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар юз беряпти. Айниқса ғаллачиликда янги марралар эгалланаяпти. Биргина ўтган йили 18942,5 тонна сара дон етиштирилди. Ғалладан юксак хирмон уюшимиз барчани мамнун этди. Оилавий пудратчиларга 1143 тонна буғдой бепул берилди. 1190 тонна ғалла эса иш ҳақи шаклида тарқатилди. Бу йил эса 25 минг тонна ғалла етиштиришга бел боғлаганмиз.

Ўтган йили пахта хирмонимиз 24900 тоннадан ошди. Бу аввалги йилга нисбатан 4571 тонна кўп эди. Пахта етиштириш шартномавий режаси ортиғи билан уддаланганлиги туфайли қайта ишлаш корхоналаридан 790,2 тонна пахта ёғи, 3056,8 тонна кунжара, 2641,3 тонна шелуха каби тайёр маҳсулотлар олдик. Бу йилги режаларимиз янада улкан. Ялпи пахта ҳосилдорлигини 30 минг тоннага етказиш учун курашяпмиз. Туманда мева, пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш соҳасидаги муваффақиятларимиз ҳам чакки эмас.

Буни нима учун эътироф этаяпман? Чунки бу ютуқлар туман аҳолиси ҳаётига бевосита дахлдор. Бунинг устига эришилган ютуқларда қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари, фаолларининг муносиб ўрни бор.

Бугунги кунда қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари жойларда ҳақиқий маънода маҳаллий бошқарув органига айланиб бормоқда. Аҳоли пунктларидаги кичик корхоналар, хусусий фирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ишларини ҳам йўлга соладиган кучга айланмоқда. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эндиликда тумандаги ташкилот ва корхоналар ҳам маҳалла йиғинларига таянган ҳолда иш олиб борадилар.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, табиий газ ўтказиш, ободончилик ишларини ташкил қилиш, кўчат экиш, боғлар яратиш, солиқ тушумларини йиғиш, коммунал хизматларни йўлга қўйишда ҳам маҳалла оқсоқоллари етакчи рол ўйнамоқда. Ҳа, маҳалла жамият таянчи, ижтимоий ҳаётимизнинг қайноқ жабҳасига айланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг бу масалага жиддий эътибор беришлари ҳам бежиз эмас. Маҳалла йиғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги кўрсатмалари ва ҳукуматимиз қарорлари фуқароларнинг мамлакатни бошқаришда бевосита ва билвосита иштирок этишлари учун катта эшикларини очиб бермоқда. Демак, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтар эканмиз, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бу борада асосий рол ўйнамоқда.

Мен кўп масъул раҳбарлик лавозимларида ишлаганман. Фаолиятим жараёнида халқнинг жуда кўп муаммоларини, жумладан ўзаро келишмовчиликлар, қўйди-чиқдилар, тўй-маъракалар борасидаги мунозарали масалаларини ҳал қилишга вақт сарфлашга тўғри келарди. Эндиликда, бу муаммоларни ечиш бизнинг зиммамиздан холи бўлди. Уларнинг 90 фоизини маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўзлари ҳал қилмоқдалар. Биз уларнинг хулосасига таянамиз. Маҳалла оқсоқоллари оғиримизни енгил қиладиган кўмакчига айланди.

Туманимиздаги 35 та маҳалла фуқаролари йиғинлари ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг фаол иштирокчиларидир. Биз маҳаллалар ишини янада такомиллаштириш борасида қатор тадбирларни амалга ошираяпмиз. Туманимиз маҳаллалари қошида маҳалла милиция таянч пунктлари ташкил қилдик. Бундан ташқари, ҳар бир маҳаллада гузарлар фаолият кўрсатмоқда. Ундаги дўконлар, корхоналар халқнинг мушкулини осон этмоқда. Яна бир гап: Яқин йиллар ичида туманимиздаги маҳаллалар ўз боғларига эга бўлишади. Бунинг ташаббускори қариялар бўлишди. Боғ учун ер ажратилди. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Маҳалла боғлари турли хил тадбирлар ўтказиладиган манзилга айланади.

Тумандаги кекса отахон ва онахонларнинг ҳар бири ҳисобга олинган. Улар тиббий кўрикдан ўтказилди. Хўжаликларда, ташкилот, муассасаларда бир пиёла чой устида қариялар билан учрашувлар ўтказилди. Ногиронлар, бева-бечораларнинг уй-жойларини таъмирлашга ёрдам беріляпти. Кам таъминланган оилаларга мурувват кўрсатилиб, улар моддий қўллаб-қувватланяпти. Ҳаётимиздаги инсоний урф-одатлар, саховатпешаликлар, мустақиллик йилларида янгича руҳ, янгича моҳият касб этди.

Менимча, маҳалла фаолиятининг ижтимоий соҳага, аҳолини ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги мақсадга мувофиқ бўлди. Маҳалла оқсоқоли ҳар бир хонадонни яхши билади, одамларни танийди. Уларнинг ютуқлари ва камчиликларини тўғри баҳолай олади. Шундай бўляпти ҳам. Буни фуқаролар оқсоқолларни ўз оиласининг раҳбари, жонкуяри, мураббийси, эл ишига фидойи инсон деб, қараётганликларидан ҳам билса бўлади. Оқсоқолларимиз эса ана шундай эъзозга ҳамиша муносиб бўлишлари лозим.

**Омон ШУКУРОВ,**
**«Mahalla»нинг махсус мухбири.**

*Аср ошган асрдошлар*

# Чаккашоликор қарияси

Урганч туманидаги Чаккашоликор қишлоғида яшовчи Тожигул момо Ражабова бу йил 102 баҳорни қарши олаяпти. Ўз умри давомида у кўп қийинчиликларни бошдан кечирди, турли воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Хонлик давридаги ўзаро ички урушларнинг жабру жафолари, қизиллар босқинчилиги...



Ялпи қатағонлар...

- Айниқса, уруш даврида халқимиз учун оғир бўлганди, - дея эслайди момо. - Қишлоғимизда кекса чолларни ҳисобга олмаганда биронта ҳам эркак киши қолмаганди.

Ҳа, момонинг нигоҳларида асрлар нидоси яширин.1955 йилда турмуш ўртоғи Ражабой ота 76 ёшида ҳалок бўлди. Бошқа турмуш қурмади. Икки ўғил, бир қизни балоғатга етказди. Уйли-жойли қилди. Бир ўғли 28 ёшида касалланиб, вафот этиб кетганди. Айриликка бардошли бўлди.

Момонинг катта ўғли ҳозир нафақада. Қизи Оқиланинг ўзи талайгина набираю, невараларнинг суюкли бувижониси. У ҳозир 76 ёшда. Кичик ўғли Қўшназар донг таратган тадбиркор.

**Қодир МУЛЛАЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

*«Энг обод маҳалла»*

***Бошланган ҳар юмушнинг натижаси бўлганидек, катта синовга тайёргарликлар қай даражада эканлиги кўрик-танлов ҳайъатининг якуний мажлисида бирма-бир кўриб чиқилди ва ғолиблар аниқланди.***

# ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ, КИМЛАР ҒОЛИБ БЎЛДИ?

Гап аввалида шуни айтиш керакки, кўрик-танловнинг яхши томонлари кўп. Йилимиз бошларида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан юртимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида «Энг обод маҳалла» кўрик-танлови эълон қилинган эди. Бу кўрик-танловнинг шартлари билан илгари газетамиз орқали таништириб ўтилганди. Ўтган вақт ичида республикадаги маҳаллалар иши кенг ўрганилди.

**Мажлис қарорига кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги Ибн Сино маҳалласи (оқсоқоли Сабит Нагиметов), Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги А.Назаров номли маҳалла (оқсоқоли Собир Комилов),Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидаги Найман маҳалласи (оқсоқоли Тожиддин Ҳожибоев), Бухоро вилоятининг Ғиждувон шаҳридаги Гулистон маҳалласи (оқсоқоли Маҳмуд Мақсудов), Жиззах шаҳридаги Ҳ.Абдужабборов номли маҳалла (оқсоқоли Шуҳрат Ортиқов), Навоий вилоятининг Кармана туманидаги 9-Бешкент маҳалласи (оқсоқоли Баҳриддин Убайдуллаев), Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги Навбаҳор маҳалласи (оқсоқоли Абдусамат Назиров), Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчасидаги М.Улуғбек номли маҳалла (оқсоқоли Самаджон Аҳмедов), Тошкент вилоятининг Паркент шаҳридаги Истиқбол маҳалласи (оқсоқоли Раҳимберди Тунрғунбоев), Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги Рамадон маҳалласи (оқсоқоли Эргаш Турғунов), Қашқадарё вилоятининг Муборак туманидаги Ёшлик маҳалласи (оқсоқоли Туроб Жумаев), Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридаги Янгиобод маҳалласи (оқсоқоли Умаржон Аҳмедов), Хоразм вилоятининг Қўшкўпир тумани Хонобод фуқаролар йиғинидаги 5-маҳалла (оқсоқоли Раҳим Хўжаев)лар ғолиб деб топилди.**

Кўрик-танлов ғолиблари орасида Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларидан биронта маҳалла номи кўрсатилмагани сизни ажаблантираётгандир.Гап шундаки, кўрик-танлов шартларига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ушбу синовга тайёрлаш, яъни ибратли ишларини саралаб, энг обод маҳаллалар ҳақидаги маълумотларни кўрик-танлов ҳайъатига тақдим этиш борасида бу вилоятларда масъулиятсизликка йўл қўйилди. Натижада эса ушбу вилоятлардан биронта маҳалла кўрик-танловда иштирок этолмади.

Ўзинг яшаб турган жойни обод қилишда қатнашиш, ибратли тажрибаларни ўз маҳаллангда қўллаш яхши. Меҳнату машаққатларинг натижасини кўриб қувониш эса янада яхши. Бу кун кўрик-танловда ғолиб бўлган маҳаллаларга ана шундай қувончли дамлар насиб этди. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг Фахрий Ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Кўрик-танловдан кўзда тутилган мақсад шуки, бу кун маҳалла ободлиги юрт чиройига чирой қўшади, бундай маҳаллада соғлом муҳит юзага келади. Ёшларнинг маънавий тарбиясини юксалтиришда, кишилар ўртасида тиббий саводхонлик даражасини оширишда, шунингдек атроф-муҳит экологиясининг яхшиланишида ижобий таъсири катта.

Шундай экан, ҳар биримиз ўзимиз истиқомат қилаётган маҳалла ободлиги учун жон куйдирайлик. Бу эса ҳаётимизнинг гуллаб-яшнаши ва кишиларимизнинг саломатлиги учун ҳисса бўлиб қўшилади.

# Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб ўтказадиган анъанавий кўрик-танловлари низомлари

## «Ибратли маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловининг НИЗОМИ

### Кўрик-танловнинг мақсади

Халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини эъзозлаш ва тарғиб қилишда, энг яхши удум ва анъаналарни оммалаштиришда, маҳалла ишини қонун асосида ривожлантиришда ва айниқса, ватанни севиш, англаш, маънавиятни юксалтириш, инсонлар ҳаётини қадрлаш, оилани мустаҳкамлаш, фарзанд тарбияси, руҳан соғлом авлодни камол топтириш, миллатлар ўртасида дўстлик, тинчлик, осойишталикни янада мустаҳкамлашда, истиқлолимизнинг улуғвор аҳамиятини кўтариш борасида ўзининг ақл идроки, одоб-ахлоқ, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалардаги билими ва тажрибаси, янгича фикрлашда, барча тоифадаги шахслар билан баҳслаша олишда ва жамиятда барча инсонийлик сифатлари билан бошқаларга ибрат бўла оладиган маҳалла оқсоқолини аниқлаш.

### Кўрик-танлов шартлари

1. Кўрик-танлов ҳар йили июнь-август ойларида ўтказилади.

2. Кўрик-танловда қатнашиш учун маҳалла кенгашлари қуйидагиларни ўз ичига олган маълумотномани туман (шаҳар) комиссиясига тақдим этадилар:

- маҳалла оқсоқоли фаолияти тўғрисида маълумот (маълумотга оқсоқолнинг шахсий варақаси ва таржимаиҳоли, 2 дона фотосурати илова қилинади);

- маҳалла фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумот (маълумот «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган барча фаолият йўналишларини ўз ичига олиши керак);

- маҳалланинг моддий ва молиявий базасини яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш ишлари қандай йўлга қўйилган ва бунда маҳалла оқсоқолининг ўрни нималардан иборат.

Маълумотномага маҳалла оқсоқоли фаолиятини ёритувчи фотосуратлар, плакатлар, видеоёзувлар ва шу кабилар илова қилиниши мақсадга мувофиқдир.

### Кўрик-танлов уч босқичида ўтказилади

I босқич - туман (шаҳар) комиссиялари томонидан 1 июндан 10 июлгача ўтказилиб, ҳар бир туман (шаҳар)дан биттадан ғолиб аниқланади ва унинг ҳужжатлари жамғарманинг туман (шаҳар) бўлинмаси қарори, комиссия баённомаси ва ғолибнинг ҳужжатлари билан бирга вилоят босқичига тақдим этилади.

II босқич - ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раёсати йиғилиши 20 июлгача туман (шаҳар) комиссиялари тақдим этган номзодларни кўриб чиқиб, ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ибратли бўлган маҳалла оқсоқолини аниқлайди ва унинг ҳужжатларини ўзининг баённомаси билан бирга республика босқичига тақдим этади.

III якуний босқичда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раёсати 1 августгача ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бўлимлари раёсати томонидан тақдим этилган номзодларни ўз йиғилишида кўриб чиқиб, республикада энг ибратли маҳалла оқсоқолини аниқлайди.

### Кўрик-танловни ўтказиш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Кўрик-танлов Республика, ҚҚР, вилоятлар, туманлар Оқсоқоллар Кенгашлари ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, ҚҚР, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўлимлари ва уларнинг туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан ўтказилади.

### Кўрик-танлов ғолибларини рағбатлантириш

1. Республикада энг ибратли деб топилган маҳалла оқсоқоли Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг «Ибратли маҳалла оқсоқоли» кўкрак нишони ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланади.

2. Кўрик-танлов республика босқичига тақдим этилган, лекин 1 ўринни эгалламаган, аммо ибратли деб топилган маҳалла оқсоқоллари ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раёсатлари томонидан рағбатлантириладилар.

## «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловининг НИЗОМИ

### 1. Умумий қоидалар

Республика кўрик-танлови маҳалла тизимида кичик ва ўрта бизнесни, кичик корхоналарни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил қилиш, ёшларга ҳунар ўргатиш ва уларни иш билан таъминлаш, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва хизмат турларини кўпайтириш, тадбиркорларнинг касб-маҳорати, билимлари даражасини оширишда ўрнак бўладиган энг тадбиркор маҳалла оқсоқолини аниқлаш ва унинг фаолиятини оммалаштириш мақсадида ўтказилади.

### 2. Танлов иштирокчилари

Республика кўрик-танловида йил якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллалари орасида тадбиркорлик фаолиятида энг яхши натижаларга эришган, кичик ва ўрта корхона, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар, ижарачилар, косиблар ва бошқа турли халқ ҳунармандчилиги тизимини ривожлантирган маҳалла оқсоқоллари иштирок этадилар.

### 3. Танловни ўтказиш муддатлари

Кўрик-танлов ҳар йили июнь-август ойларида ўтказилади. Туман (шаҳар)ларда 1-10 июль, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 10-20 июль, республика босқичи 1-10 август муддатларида якунланади.

### 4. Танловда иштирок этиш тартиби

4.1. Танловда иштирок этиш истагини билдирган маҳалла оқсоқоли ўз маҳалласида тадбиркорликни ташкил этиш, ривожлантириш ва унинг якунлари ҳақида батафсил маълумот тайёрлаб, маҳалла кенгаши муҳокамасига тақдим этади. Маълумотда тадбиркорликни ташкил қилиш борасида қандай амалий ишларни олиб борилганлиги, ташкил этилган кичик корхона, хизмат кўрсатиш объектлари, улардан олинган соф даромад нималарга сарфланганлиги тўғрисида далиллар асосида тўлиқ маълумотнома тайёрлаб, тегишли расмий ҳужжатларнинг нусхаларини, фото суратларини ва бошқа ашёвий далилларни илова қилган ҳолда тақдим этилиши лозим.

Маҳалла кенгаши ўзининг қарори билан барча ҳужжатларни туман (шаҳар) Оқсоқолар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси қошидаги кўрик-танлов комиссияси ҳукмига ҳавола этади.

4.2. Туман (шаҳар) кўрик-танлов комиссияси тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиб, I, II, III ўринни эгаллаган тадбиркор оқсоқолларни аниқлайди ва тасдиқ учун Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раёсатига тақдим этади.

4.3. Туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раёсати ўз қарори билан I ўринни эгаллаган тадбиркор оқсоқол ҳужжатларини ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кўрик-танлов комиссиясига тақдим этади, II ва III ўринни эгаллаган тадбиркор оқсоқолга ҳомийларнинг рағбатлантирувчи совғалари топширилади.

4.4. ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссиялари тегишли туман (шаҳар)ларда биринчи ўринни эгаллаган тадбиркор маҳалла оқсоқоллари ҳужжатларини кўриб чиқиб, ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида I, II, III ўринга лойиқ маҳалла оқсоқоллари номзодларини аниқлайди ва I ўринни эгаллаган маҳалла оқсоқолига тегишли барча ҳужжатларни раёсат қарори билан Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви ҳузуридаги кўрик-танлов комиссиясида кўриб чиқиш учун тақдим этади. Иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган тадбиркор маҳалла оқсоқоллари тегишли бўлимларнинг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланадилар.

Фахрий ўринни эгалламаган тадбиркор маҳалла оқсоқоллари ҳомийларнинг рағбатлантирувчи совғалари билан тақдирланади.

4.5. Республика кўрик-танлов комиссияси ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тақдим этилган тадбиркор маҳалла оқсоқолларига тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиб, I, II ва III ўринга лойиқ номзодларни аниқлайди ва тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раёсатига тақдим этади.

4.6. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раёсати кўрик-танлов комиссияси тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб, тасдиқлайди.

### 5.Ғолибларни мукофотлаш

**Республика кўрик-танлови бўйича:**

I ўринни эгаллаган маҳалла оқсоқоли I даражали диплом, «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» кўкрак нишони ва рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланади.

II ўринни эгаллаган маҳалла оқсоқоли II даражали диплом ва рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланади.

III ўринни эгаллаган маҳалла оқсоқоли III даражали диплом ва рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланади.

Совриндор ўринларни эгалламаган тадбиркор маҳалла оқсоқоллари Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг Фахрий ёрлиғи ва ҳомийларнинг совғалари билан тақдирланадилар.

## «Маҳалла жонкуяри» кўрик-танловининг НИЗОМИ

### 1. Кўрик-танловнинг мақсади

Мустақиллик йилларида янги жамият ва давлат барпо этишда дадил қадамлар қўйилди. Маҳалла кучли, адолатли жамиятнинг асоси қилиб олинди. Халқимиз табиатига, талабига, иродасига мос, бетакрор бирламчи маҳалла тизимини тиклашга, ривожлантиришга куч берилди, эрк ва ҳуқуқлар, имкониятлар яратилди. Маълумки, элга қўшилиб яшаш ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган. Яхши умр - одамлар даврасида ўтгани ҳисобланади.

Шундай ибратли турмуш тарзимиздан келиб чиқиб, маҳалла аҳли элга қўшилиб яшашнинг, кўпга хизмат қилишнинг, ҳашарлар ташкил этишнинг ноёб шакли, халқимизнинг буюк кашфиёти маҳалла фуқаролар йиғини атрофига жипслашиб яшашни ўзига шараф деб билади.

Кўрик-танлов мақсади маҳалла фуқаролар йиғини раис (оқсоқол)инининг, масъул котибининг ёнида туриб, турли кенгашлар, гуруҳлар таркибида иш олиб борадиган юзлаб жонкуяр жамоатчи фаолларнинг беминнат, беназр хизматларини, уларга ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб келаётган мутасаддиларни, маҳалла ишида фаоллик кўрсатиб келаётган оддий фуқароларни рағбатлантиришга қаратилган.

### 2. Кўрик-танлов иштирокчилари

«Маҳалла жонкуяри» кўрик-танловида миллати, эътиқоди, касби, вазифасидан қатъий назар элга қўшилиб яшаш, маҳалланинг ободончилигига, ривожланишига, ибратли фаолият кўрсатишига, Халқ, Давлат, Жамият олдидаги эзгу ниятларни рўёбга чиқишига беминнат ҳисса қўшган маънавий, моддий хизматини аямаган фуқаролар, ҳомий идора, муассаса вакиллари иштирок этадилар.

### 3. Кўрик-танловда қатнашиш

Кўрик-танловда қатнашиш учун номзодни маҳалла фуқаролар йиғини тавсия этади.

### 4. Кўрик-танлов муддатлари

Туман (шаҳар)ларда 1 июндан 1 июлгача якунланади. ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 20 июлгача якунланади ва ғолиблар 1 августгача Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раёсати қарори билан тасдиқланади.

### 5. Ғолибларни рағбатлантириш

1. ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллалари ўртасида 1 ўринни эгаллаган Маҳалла жонкуярлари Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан таъсис этилган «Маҳалла жонкуяри» кўкрак нишони ва пул мукофоти билан тақдирланадилар.

2. ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича кўрик-танловга тавсия этилган, лекин биринчи ўринни эгалламаган маҳалла жонкуярлари ҚҚР, вилоятлар, Тошкент шаҳри Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларининг мукофотлари билан тақдирланадилар.

